

ЎЗБЕКИСТОНДА АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ДАВЛАТ ИШТИРОКИНинг ҲОЛАТИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ

Хакимова Гулмира

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Мамлакатимизда сўнгти йилларда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларда акциядорлик жамиятларининг устав капиталидаги давлат улуси ва активларни хусусий инвесторларга сотиш ҳисобидан республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг даражаси ва ролини тубдан ошириш, улар фаолиятига хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш, хусусийлаштириш жараёнларини чукурлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда уларнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатдошлигини оширишга замин яратади. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйида бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида давлат иштироки ҳолати хусусида атрофлича тўхталиб ўтамиз.

Бизга маълумки, давлатнинг акциядорлик жамиятлари устав капиталида маълум бир улуш орқали иштирок этиши давлат молияси ва корпоратив молия ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминловчи механизмлардан биридир. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари сони 2017 йилнинг январ ойи ҳолатига 659 тани ташкил этади. Умуман олганда мамлакатимизда сўнгти йилларда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда акциядорлик жамиятлари сони сезиларли равишда камайиш тенденциясига эга. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон қарорининг қабул қилиниши ҳамда ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда хорижий инвестицияларни белгиланган миқдорда ва муддатларда жалб қила олмаган акциядорлик жамиятларини босқичма-босқич бошқа мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларга айлантириш амалиёти қўлланилаётганлиги сабаб бўлмоқда. Бизнинг фикримизча ушбу амалиётни амалга ошириш бир томонлама қараганда мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Чунки, мамлакатимиздаги ҳар бир акциядорлик жамиятининг инвестицион жозибадорлиги юқори даражада бўлиши ва исталған вақтда хорижий инвестициядорларни жалб қила оладиган даражага чиқиши лозим. Келгусида бундай акциядорлик жамиятлари сонининг ортиши мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашда ҳамда аҳолини иш билан банд қилиш орқали уларнинг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим роль ўйлайди. Бошқа

томондан қараганда эса, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни мажбуран жалб қилишни ташкил этиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилмаган акциядорлик жамиятларини бошқа мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларга айлантириш бозор иқтисодиёти шароитида акциядорлик жамиятларининг эркин фаолият юритиши ва юксак мақсадларига эришишига тўсқинлик қиласди. Мазкур ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда айрим инвестицион жозибадорлиги паст бўлган акциядорлик жамиятларини бугунги кунда қонунчилик доирасида бошқа мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларга айлантириш амалиёти қўлланилмоқда. Шу сабабли ҳам сўнгги вақтларда мамлакатимизда акциядорлик жамиятлари сонини камайтириб, уларнинг сифатини ошириб боришига давлат ва ацқиядорлик жамиятларининг ўртасидаги муносабатларга катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда давлат иштирокидаги корхоналар сони 1-расмда келтирилган. Бугунги кунда Давлат улуши мавжуд бўлган корхоналар сони 2 664 тани ташкил қилмоқда.



1-расм. Мамалакатимизда давлат иштирокидаги корхоналар.

Жаҳон тажрибасида иқтисодчи олимлар томнидан давлат ва акциядорлик жэмамиятлари ўртасидаги асосий муносабатлардан бири –бу молиявий

муносабатлардир. Шундай экан Россиялик иқтисодчи олимлардан М.А.Эскиндарова ва М.А.Федотоваларнинг фикрича “Давлат кўп мамлекатларда йирик акциядор бўлиб ҳисобланади. Кўп компанияларнинг устав капиталида давлатнинг улуши етарлича юқори бўлиб қолмоқда. Бундай ҳолат Россия ва бошқа давлатлар учун ҳам ўзига хос характерланади, масалан Австрия учун ҳам. Бу қоидадагидек, қатор объектив сабаблар билан боғлиқдир. Бу энг аввало Россия учун Совет давридан қолган мъеросдир. Лекин, бир вақтнинг ўзида давлат бу билан мудофаа, хавфсизлик, табиий монополияни тартибга солиш кабилар билан боғлиқ компанияларни назорат қилишни рад этишга шошилаётгани йўқ. Ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва инвестициялар жалб қилишда давлатнинг таъсисчи сифатида роли жуда каттадир” – дея, муаллифларнинг илмий қарашлари мавжуддир.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларини уларнинг устав капиталида давлатнинг иштирокига қараб, икки гурухга ажратишимиз мумкин, яъни давлат иштироқдаги акциядорлик жамиятлари ва давлат иштироки мавжуд бўлмаган акциядорлик жамиятлари. Бундай тасниф бўйича амалдаги ҳолат ва уларнинг устав капитали ҳақидаги маълумот қўйидаги жадвалда келтирилган.

Бугунги кундаги мавжуд муаммоларни бартараф қилиш мақсадида ушбу қарор қабул қилинган ва унинг ечимини топиш учун амалга оширилиши мумкин бўлган вазифалар 2.5-Расмда ўз ифодасини топган. Бунда акциядорлик жамиятларида КУзатув кенгашлари таркибида аудит қумитасини ташкил қилиш, ва мувофиқлик (комплаенс-назорат) тизмини ташкил қилиш, давлат иштироқидаги корхоналар тўғрисдаги аҳборотлар умумлаштирилади ва ДАБА сайтига қўйилиши, Давлат олтин акциясининг бекор қилини ва бошқа вазифалар белгилаб олининган.

ҚАРОР ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР



2-расм. Акциядорлик жамиятлари фаолиятидаги муаммоларни бартараф қилиш бўйича қилинадиган ишлар.

Бундан ташқари ушбу қарордан келиб чиқиб, "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Ушбу йўл харитасига асосан вазифалар белгиланган, яъни Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш, унинг норматив-хуқуқий базасини яратиш, мақсадли кўрсаткичлар белгилаб олинган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ти ЎРҚ-370-сонли Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон-2030" Стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сонли Фармони.

42. Суюнов Д.Х., Хошимов Э.А. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг методологик жиҳатлари. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2018 йил. 13 бет